

TASHKENT ARCHITECTURE AND  
CIVIL ENGINEERING INSTITUTE

**A.C.D**

THE SCIENTIFIC-PRACTICAL JOURNAL OF  
ARCHITECTURE, CONSTRUCTION & DESIGN



**TASHKENT**  
**#3, 2022**

**ARXITEKTURA,  
QURILISH VA  
DIZAYN**

ILMIY-AMALIY JURNALI

Founded in 2006

VOL. 17, Issue 3, September 2022

ISSN 2010-7064



Муассис:  
Тошкент архитектура-қурилиш институ

2022  
3

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ ВА ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИ:**

PhD., проф. **Эржан Каҳя** (кенгаш раиси, бош муҳаррир, Туркия)  
и.ф.д., проф. **Нуримбетов Равшан Ибрагимович** (кенгаш раиси ўринбосари,  
бош муҳаррир ўринбосари, Ўзбекистон)  
т.ф.д., проф. **Ходжаев Саидаълам Аглоевич** (бош муҳаррир ўринбосари,  
Ўзбекистон)

т.ф.н., проф. **Адилов Зарифжон Химматович** (масъул котиб, Ўзбекистон)

арх.ф.д., проф. **Маматмусаев Тохир Шайдулович** (Ўзбекистон)

Structural Design Assistant Professor **Gabriela Bertagnoli** (Италия)

т.ф.д., проф. **Акрамов Хуснитдин Ахрорович** (Ўзбекистон)

Associate Professor **Fabrizio Varpi** (Италия)

Dr. –Ing. **Hans-Bertram Fischer** (Германия)

и.ф.д., проф. **Зияев Музаффар Қутлуғович** (Ўзбекистон)

“Roads, railways and airports” assistant professor **Pier Paolo Riviera** (Италия)

арх.ф.д., проф. **Нозилов Додо Авазович** (Ўзбекистон)

Prof. Dr.-Eng. **Rudolf Luckmann** (Германия)

т.ф.д., проф. **Лapidус Азарий Абрамович** (Россия)

т.ф.д., проф. **Рашидов Юсуф Каримович** (Ўзбекистон)

Prof., Dr.-Ing. **Jochen Stark** (Германия)

т.ф.д., проф. **Самигов Неъматжон Абдурахимович** (Ўзбекистон)

т.ф.д. **Ахметов Данияр Акбулатович** (Қозоғистон)

ар.ф.д., проф. **Юсупова Мавлюда Аминжановна** (Ўзбекистон)

т.ф.д., проф. **Мукимов Рустам Саматович** (Тожикистон)

т.ф.д., проф. **Касимов Иркин Умарали ўғли** (Ўзбекистон)

т.ф.д., проф. **Файзиев Хомитхон** (Ўзбекистон)

т.ф.д., доцент. **Хотамов Асадулла Тоштемирович** (Ўзбекистон)

т.ф.д., проф. **Ризаев Абдумалик Набиевич** (Ўзбекистон)

арх.ф.н., проф. **Саидов Абдумалик Абдулхақович** (Ўзбекистон)

т.ф.н., доц. **Саидий Саидислом Абдусоли ўғли** (Ўзбекистон)

техник таҳрирчи: **Жаббарова Сайёра Балтабаевна** (Ўзбекистон)

техник таҳрирчи: **Нишанбаева Ирода Туйғуновна** (Ўзбекистон)

**Журналга 2006 йилда асос солинган**

**2020 йилда қайта рўйхатидан ўтказилган**

**Уч ойда бир маротаба чиқарилади**

**Журнал Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 17 сентябрь куни рўйхатдан ўтказилган. Гувохнома рақами № 1104**

Келишилган нархда. ХТ «UMID DESIGN» типографиясида нашр этилган  
Тошкент ш., Навоий кўчаси., 22. тел.: 98-303-63-66, 71-234-11-37. Адади: 100 дона

Tadqiqotchilar ko'pincha ko'cha makonining elementlarini loyihalashning umumiy qoidalarini joriy etishdan ijobiy iqtisodiy samarani qayd etadilar. Bunga misol tariqasida Rossiyaning "Novaya gazeta"sida Tyumenlik tadbirkorni misol qilib keltiradi. "Savdo binosi belgilari uchun yagona dizayn kodi yaratilgandan so'ng, tadbirkorning so'zlariga ko'ra, tashrif buyuruvchilar soni ikki baravar ko'paydi".

Shunday ekan Dizayn ko'di nafaqat jamiyat hayotiga, tadbirkorlik subektlariga ham foyda keltiradi. Rivojlangan davlatlarning tajribalaridan foydalangan holda yurtimizning

har bir viloyat tuman va shaharlarining shaharsozlik boshqaruv o'rganlari o'z zimmasiga iqlim sharoitlari, milliy qadiryatlari, hunarmandchiligi va memorchiligidan kelib chiqqan holda o'ziga hos bo'lgan yagona "dizayn kod" namunalarini yaratishni oldiga maqsad qilib olsa, shaharsozlik madaniyati yangi bosqichga o'tadi. Albatta buning natijasida yurtimizning har-bir shaxri o'ziga hos tarzda jozibador tusga kiradi. Shaxarga bo'lgan qo'pol va palapartish munosabatlarning oldini olgan bolardik

#### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020- yil 27-noyabrdagi PF-6119-son farmoni,
2. ДИЗАЙН-КОД КОТЛАС.
3. [http://totalarch.com/files/gallery/gc\\_2016\\_89\\_03.jpg](http://totalarch.com/files/gallery/gc_2016_89_03.jpg)
4. [https://dn1.vtomske.ru/a/9b7663efdf14983984a4081ec98ff8a8\\_.jpg](https://dn1.vtomske.ru/a/9b7663efdf14983984a4081ec98ff8a8_.jpg)

712.4.01(476.7).

### КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШНИ РЕЖАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Ж.К. ИГИТОВ, М.С. КОМИЛЖОНОВ (ТАҚИ)

**Аннотация:** Ушбу мақолада республикамизда олиб борилаётган кўкаламзорлаштириш ишлари уларнинг шаҳарсозликда тутган ўрни, ҳамда кўкаламзорлаштиришда ишлатилаётган маҳаллий, интродукция қилинган ва интродукцент ўсимликларни аҳоли пунктларида жойлаштириш уларни ўсиши ривожланиши тана шакллари таҳлил қилинади. Шаҳар муҳитларида ўсимликлардан тўғри фойдаланиш бўйича тавсиялар берилади.

**Аннотация:** В данной статье анализируются работы по озеленению, проводимые в нашей республике, их место в градостроительстве, а также размещение местных, интродуцентов и интродуцентов, используемых при озеленении населенных пунктов, их рост и развитие. Даны рекомендации по правильному использованию растений в городских условиях.

**Abstract:** In this article, the greening works carried out in our republic, their place in urban planning, as well as the placement of local, introduced and introduced plants used in greening in population centers, their growth and development, are analyzed. Recommendations are given on the proper use of plants in urban environments.

**Калим сўзлар:** шаҳарсозлик, кўкаламзорлаштир, шаҳар ва қишлоқлар, интродукция, интродукцент, яшил қурилиш, Худуд баланси, аллея, фитонцид.

**Ключевые слова:** градостроительство, озеленение, города и села, интродукция, интродукция, зеленое строительство, баланс территории, аллея, фитонцид.

**Key words:** urban planning, greening, cities and villages, introduction, introduction, green construction, Territory balance, alley, phytoncide.

**Кириш:** Ўзбекистон мустақиллик йилларида турли соҳада эришилётган мувоффақиятларни эътироф этганимизда, яъни халқ хўжалигининг турли тармоқлари билан биргаликда экология ва экологик муҳитни яхшилашда таъсир этадиган кўкаламзорлаштириш ва унинг ассортиментларини танлаш ва кўкаламзорлаштиришнинг янги механизмини ишлаб чиқиш ҳар доим долзарб масала бўлиб ҳисобланади.

**Асосий қисим:** Шаҳар ва қишлоқлардаги кўкаламзорлаштирилган майдонларни яратиш ва фойдаланишдаги агротехник талаблар ва парвариш қилиш ишлари Ўзбекистоннинг турли табиий-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда бажаришни тақозо этади. Айниқса, дарахт, бута ва чалабута турларини тўғри танлаш муҳим аҳамиятга эга. Ўсимлик турларини танлашда уларнинг шўрга, иссиқ ва совуққа, ҳамда сизот сувлари яқин жойлашганлиги ва

курғоқчиликка чидамлилигини инобатга олиш лозимдир.

Замонавий шаҳар ёки бошқа аҳоли яшаш жойлари – бу турли бинолар, кўп сонли муҳандислик иншоотлари, йўллар, майдонлар, очик жойлар, сув хавзалари ва яшил экинзорларнинг мураккаб комплексиدير. Шаҳарсозлик меъёрларига кўра, аҳоли яшаш жойлари худудларининг 50% дан кам бўлмаган қисми кўкаламзорлаштириш объектларига ажратилиши керак. Шаҳарсозликдаги катта тажриба шуни кўрсатадики, бунинг асосий вазифалардан бири – табиий ва сунъий яратилган муҳит ўртасида маълум мувозанат ва гармоник равишда уйғунлашувига эришиш, барча кўкаламзорлаштириш объектларининг ўзаро боғлиқлиги ва бир яхлит тизимга бирлаштирилиши саналади [1].

Яшил курилиш – узок вақтни талаб этадиган, яратиш технологияси бўйича мураккаб ижодий жараён бўлиб, бир қанча ишлаб чиқариш масалаларини ечиш ва тадбиқ этиш билан боғлиқ бўлиб куйидагиларни ўз ичига олади: - дарахтсимон ўсимликларнинг декоратив сифатлари - дарахтсимон ўсимликларнинг биологик хусусиятлари бўйича характеристикаси - дарахтсимон ўсимликларнинг захарли газсимон бирикмалар таъсирига муносабати бўйича - баргларнинг одатий ёзги ранглари: - дарахтсимон ўсимликлар гулларининг ранги: - дарахтсимон ўсимликларни идрок қилиш психологияси: - дарахтсимон ўсимликларнинг инсон руҳиятига таъсири. - таъсир кўрсатишнинг асосий омиллари: шох-шабба шакли ва зичлиги, баргларнинг тузилиши ва колорити, гуллаши ва мева тугиши, ҳиди инобатга олиниши мақсадга мувофиқдир[2]. Шох-шаббанинг шакли биринчи навбатда ҳиссиётни кўзғатувчи таъсир беради. Шох-шабба шаклининг ҳамма хилма-хилликларини бир қанча одатий турларга тақаш мумкин. Масалан шох-шаббанинг конуссимон шакли инсонга ҳаракатлантирувчи таъсир кўрсатади. У бу билан инсон тонусини, унинг кайфиятини кўтариб, мустаҳкам мувозанат образини яратади, буларга қорақарағай, туя дарахтларини мисол келтиришимиз мумкин. Устунсимон шакли - вертикал силует бўйлаб нигоҳни юқорига жалб қилувчи сиртки кўринишга эга. Бундай шакл билан ҳосил

қилинган ўсиб боровчи динамика ён чизиқлари тўғри, вертикал, деярли параллел бўлишига қарамай, конуссимон шакл динамикасига нисбатан анчагина тинчлантирувчи. Қатор ва гуруҳларда жойлашган устунсимон дарахтлар, одатда тантанали 116 (дабдабали) таассурот беради. Ҳиссиёт ва ироданинг гармоник бирлигига қора арча ва тераклар ёрдам беради. Шарсимон шакли. Бу дарахтларнинг ташқи кўриниши ва шакли тўлиқ қониқиш ҳолати таассуротини яратади. Бу тўпланган куч-қувватни сақловчи омил, аниқ ифодаланган ташқи кўриниш ва тугалланган шакл яхши рухий мувозанатни тутиб туради, кучларни сақлашга ёрдам беради. Горизонтал шох-шаббага эга чўзиқ ва статик дарахтларнинг соябонсимон шакли тинчлантирувчи ҳисобланади. Қарағай, эман дарахтлари химоя ҳиссиётини, дарахт тагидаги инсон устидан ҳомийлик қилиш ҳиссини яратади.

Шовқин билан курашда дарахтларнинг зич горизонтал туташ қаторлари анчагина самарали ҳисобланади. Япроқли дарахт турлари шовқинни 25% ютиши ва 75% қайтариши, яъни бунда дарахтлар овоз тўлқинлари йўлини тўсади. Шовқинни пасайтирувчи қатор кенглиги 10м. дан кам бўлмаслиги керак ва бир неча зич қаторлардан ташкил топиши мақсадга мувофиқдир. Мактаблар худудини кўкаламзорлаштиришда яшил экинзорлар вазифалари куйидаги вазифаларни бажариши эътиборга олиниши керак: - иссиқ, чанг ва шовқиндан ҳимоялаш; - танаффус вақтида ўқувчиларнинг дам олишлари учун қулай шароитлар яратиш ҳамда ботаника ва биология машғулотларини очик ҳавода ўтказиш; - манзарали кўринишларни яхшилаш. Мактаб майдонида мактаб биноси, хўжалик иншоотлари, ўқув-тажриба бўлими (мевали боғ, дендрарий, кўчатхона, оранжерея, астрономия ва география майдончалари, зоология бурчаги ва бошқалар) ажратилади.

Худуднинг баланси: бинолар – 10-12%, йўлаклар ва майдончалар – 35%, яшил экинзорлар – 53-55% ташкил этиши керак. Спорт майдончалари атрофида дарахтлар, яшил тўсиқлар билан ўралган бўлиши мақсадга мувофиқдир. Дам олиш учун аллея экинзорлари, перголалар, гуруҳли дарахтлар, буталар ва гуллар экилган газонлар яшил ўсимликлар билан ўралган ўйин

майдончалари ташкил этилади. Яшил экинзорлар турлари ҳар хил бўлиши ва улар таркибида ушбу ҳудудда кенг тарқалган, ҳамда камёб бўлган турлар экилиши лозим. Заҳарли ва тиканакли ўсимликлардан фойдаланилмайди. Болалар боғчаси ҳудудини кўкаламзорлаштиришда - боғча ҳудудида куйидаги майдонча ва иншоотларни жойлаштириш тавсия этилади: ўйинлар учун умумий майдонча, болалар учун алоҳида майдончалар, айвонча, ухлаш ва сояда ўйнаш учун чорбоғ, ҳайвонлар бурчаги, сабзавот боғчаси, мева – резаворли боғ, бассейн, хўжалик ҳовлиси. Ҳудуднинг баланси тахминан куйидагича: яшил экинзорлар 60%, майдончалар –20%, аллеялар ва йўлакчалар –8%, иншоотлар –12%, 1 гектар майдон ҳисобига –150-180 та дарахт ва 2000-2500 та бута экилади. Майдоннинг ташқи чегарасида дарахт ва буталардан икки қаторли қилиб ҳимоя экинзорлари барпо этилади. Болалар майдончаларини ўзаро ажратишда баландлиги 1,2 метр бўладиган уч қаторли яшил тўсиқлардан фойдаланилади.

Майдончаларни соялатиш учун кенг, қалин шох-шаббали дарахтлар экилади (яшил тўсиқлар қаторида ёки майдончанинг ўзида), шунингдек, ўсимликлар чирмашиб ўсадиган устунлар ясалади. Болалар майдончалардаги қуёшли ва сояли жойлар нисбати шундай тақсимланиши керак-ки, соялатилган жойлар эрталабки вақтда умумий очик майдоннинг 1/3, кечки пайтда эса – яримидан кўп бўлмаган қисмини эгаллаши лозим. Ойналарни ва деворларни кенг шох-шаббали дарахтлар билан соялатиш мақсадга мувофиқдир. Гуллар бинога кириш олдида, ота-оналар кутиш жойларида бадантарбия ва умумий ўйин майдончалари олдида экилади.

Бир йиллик гулларни йўлакчалар ёнига экиш мақсадга мувофиқ. Кўп йиллик гулли ўсимликлар асосан гуруҳлаб газонга экилади. Ҳайвонлар ва қушлар учун майдонча, шунингдек, хўжалик ҳовлиси майдоннинг ичкари қисмига жойлаштирилади ҳамда дархт ва буталар билан ажратилади [2]. Дарахт ва буталарнинг турлари ранг баранг

бўлишини назарда тутиш лозим, чунки бунда болаларнинг ўсимлик дунёси билан таниниши имкони туғилади. Шунингдек, улар таркибида кўп йиллик ва узоқ вақт гуллайдиган бир йиллик ўсимликлар кўпроқ бўлиши лозим. Заҳарли баргли ва мевали ўсимликлар масалан, сумах (татун), тиканли ўсимликлар (гледичия, жийда), ҳамда ҳудудни ифлослантирувчи (терақ, заранг, чинор, дарахтларнинг оналик ўсимликлари) дарахт ва буталар сафидан чиқариб ташланади. Болалар боғчасида экиш учун фитонцидлик хусусиятларига эга бўлган ўсимликларни (виргин арчаси, қрим қарағайи, япон сафораси ва бошқалар), ҳамда ҳавони ионлаштирувчи дарахтларни экиш алоҳида муҳим аҳамиятга эга.

Республикамиз ҳудудларидаги мавжуд кўчатхоналарни янги, янада манзарали ва чидамли бўлган турлар билан бойитиш, тўлдириш долзарб масалалардан биридир. Ўзбекистоннинг адир иқлим шароитларига хориждан келтирилган кўпгина ўсимлик турлари жуда қийин мослашади ёки умуман мослашмайди. Маҳаллий репродукция ўсимликларини уруғидан ёки вегетатив йўллар билан кўпайтирилган маҳсулот, маҳаллий шароитларда ўсиши учун яшовчан ва чидамли бўлади. Ҳозирги вақтда кўкаламзорлаштириш соҳаси ходимларининг *Magnoliaceae* оиласига мансуб ўсимликларига айниқса йирик, чиройли гулловчи дарахт турларига эътибори ортиб бормоқда. Ушбу ўсимликлар кескин континентал иқлим шароитларига етарли даражада чидамлилиги билан ажралиб туради. Мазкур оила ўсимликлари ўзининг манзаралилик жиҳати ва хўжалик томондан қимматбаҳо турлари билан Республика миқёсида илмий ва амалий қизиқиш уйғотиб интродукцион-культиген ареалларини кенгайтиришни тақоза этмоқда. Ушбу оиланинг энг манзарали вакилларида Суланжа магнолияси - Магнолия Суланжа (*Magnolia soulangeana*) ҳамда Лола дарахти (*Liriodendron tulipifera*)ларни мисол келтиришимиз мумкин. Ҳозирги вақтда бу турнинг яъни Суланжа магнолиясининг бир қанча

манзарали шакллари яратилган. Ушбу япроқ баргли дарахт юқори манзарали ўсимлик ҳисобланиб, ватани Шарқий Осиёдир. Суланжа магнолияси йирик бута ёки кичик дарахт. Бўйи 4-6 метр. Эрта баҳорда март ойининг иккинчи декадасида барг чиқармасдан туриб гуллайди, гуллаш давомийлиги 20-30 кунни ташкил этади, турларига қараб гуллаш давомийлиги ўзгаради. Гулининг баландлиги 10-12 см, кенглиги 6-8 см. Қуёшли ва унумдор тупроқларга талабчан ҳисобланади. Ортиқча сувни хуш кўрмайди [3]. Кўкаламзорлаштиришда якка ва гуруҳ ҳолда экилганда янада манзаралиги ошади. Кўпайтириш усуллари: Уруғларидан, кузда терилган янги уруғлар стратификациясиз сепилади, баҳорда сепиш учун стратификация қилинади, уруғларни экиш чуқурлиги кузда 10-15 мм., баҳор ойларида 10 мм. чуқурликда майда тупроқли полларга сепилади. Баҳорда бир йиллик сурх новдалар орқали вегетатив усулда кўпайтирилади. Ҳозирги кунда кўкаламзорлаштиришда жуда кенг қўлланилаётган истиқболли дарахт турларидан яна бири Лола дарахти (*Liriodendron tulipifera*)дир. Табиий келиб чиқиш ватани АҚШнинг марказий ва шимолий худудлари бўлиб, Лола дарахтининг маҳаллий номи “сарик терак” деб аталади [4]. Лола дарахтининг таснифланиши. Лола дарахти ҳаддан ташқари ўзини юқори манзарадорлик сифатлари ва баланд бўйи, тез ўсиши, табиатда 60 м. баландликка етиши, поясининг диаметри 3-3,5 метрга эга бўлиши билан ажралиб туради. Ҳозирги вақтда Тошкент шаҳри худудида гул берадиган Лола дарахтларини Мустақиллик майдонида, Ўзбекистон тарихи музейи атрофида, ЎЗР ФА ховлисида, Селекция ва уруғчилик илмий тадқиқод институти олдида, Ўсимлик моддалари кимёси институти худудида, Юнусобод ҳокимияти худудида, баъзи бир ёпиқ майдонларда, алоҳида иморатлар ва бошқа жойларда учрайди. Бундан ташқари кўкаламзорлаштиришда яна бир эътибор берилиши керак бўлган жиҳатлардан бири, шаҳар ҳавосида дала ҳавосидагига

қараганда ўн марта кўп зарарли микроблар мавжуд. Учиб юрувчи фитонцидлар фракцияларининг микроорганизмлар микдори таъсири ўсимлик ассоцияларини таркибига боғлиқ. Масалан, қарағайзорларда бир куб метр ҳавода 170 та бактерия, қайинзорда 1806 та бактерия, аролашўрмонда (игнабаргливабаргли) ўрмонда – 1400 та бактерия бўлади. Ўсимликлар ажратиб чиқарадиган моддалар микдори анча ката бўлиши мумкин. Бир гектар игна баргли ўрмон бир суткада атмосферага фитонцид хоссаларига эга бўлган 4 кг органик 118 моддаларни атмосферага ажратади, баргли ўрмон эса атмосферага бир суткада 2 кг ажратади. Ўсимликлар таъсирида ҳаводаги микроблар сони бир суткада 67% камайтирилади [4]. Шуни таъкидлаб ўтиш керакки. Кучли ҳид тарқатувчи ўсимликлар ҳар доим ҳам микробларга қарши таъсир кўрсатавермайди. Шунинг учун ёғоч ўсимликларининг фитонцидлигини кўкаламзорлаштириш учун дарахт навларини танлашда ҳисобга олиш лозим.

Ўтказиладиган дарахтнинг ҳаво санитарлари сифатидаги самарадорлиги дарахтлар ва буталарни фақат тўғри танлаб олишда ва жойлаштиришда, уларнинг биологиясини ва экологиясини ҳисобга олган ҳолда таъминланади. Санитар кўк экинларни яратишда шамол режимини, ҳавонинг транспорт-саноат чиқиндилари билан тўйинганлигини, баландлигини, уларнинг кимёвий ва физик таркибини ҳисобга олиш керак [5]. Ўсимликларнинг конструкцияси, эни, баландлиги ва жинси бу омилларга яқин боғланишда бўлади. Пастга эгилган, ғадир-будур, ажинли баргли тепаси кенг дарахт жинслари (эман, қарағоч, қора ёнғоқ, тут, оқ терак, Лола дарахти, чинор, ингичка баргли лох, барбарис, катальпа, совун дарахти, каракас ва бошқ.) чангни яхшироқ адсорбциялайди ва тутиб қолади. Уларнинг ўзи зарарли кимёвий бирикмаларни яхши ютади ва қайта ишлайди.

**Хулоса.** Дарахтларни жойлаштиришда уларнинг экологик – биологик хусусиятларини: ёруғликка, тупроққа, намликка, вақт бўйича ва

маконда ўзаро таъсирини ҳисобга олиши лозим. Дарахтлар билан турар жой элементлари орасидаги масофа вақт ўтиши билан дарахт тепа қисмининг ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда танланиши керак. Ўсимликларни ортиқча зичлаштириб

юбориш ҳам керак эмас, акс ҳолда дарахтлар бир-бирига ҳалақит беради ва асосийси, бунда уларнинг асосий вазифаси – кислород ажратиши, атроф - муҳитни соғломлаштириш кескин пасаяди

#### АДАБИЁТЛАР:

1. Michael A. Dirr Dirr, s Hardy Trees and Shrubs /An illustrated encyclopedia. – Naneteench printing, 2005, Hong Kong. ISBN 0-88192-404-0 292 b.
2. Landscape Architecture an introduction / by Robert Holden and Jamie Liversedge. 361–373 City Road London EC1V 1LR United Kingdom, 2014. ISBN: 978 1 78067 270 0 – 209 b.
3. Горохов. В.А. Лунс Л.Б., Росторгув О. Инженерное благоустройства городских территорий. М. Сройиздат.1985.
4. Богоява И.О., Теодоронский В.С. «Озеленение населенных мест». М. “Агропромиздат”. 1990. 3. Лунс Л.Б. «Городское зеленое строительство. М. 1996.
5. Концепция развития градостроительства Узбекистана в условиях формирования новых социально-экономических отношений. Т, ТАСИ 2008.

УДК 711

## ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИНГ ТУРИСТИК ПОТЕНЦИАЛИ ВА ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНИШ УСТИВОРЛИКЛАРИ

Ғ.А. МЕЛИҚУЛОВ (ТАҚИ)

**Аннотация.** Ривожланган туризм инфратузилмаси мавжудлиги Қашқадарёнинг туризм салоҳиятини ошириши ва туризмни ривожлантиришида муҳим аҳамиятга эга. Қашқадарё вилояти бугунги кунда туризмнинг деярли барча турларини ривожлантириши учун асос бўлиб хизмат қилаётган табиий, тарихий ва маданий бойликлар салоҳиятига кўра мамлакатимизнинг энг бой ҳудудларидан бири ҳисобланади. Мақолада Қашқадарёда туризм инфратузилмасини ривожлантириши муаммолари таҳлил қилинган. Шундан келиб чиқиб, вилоятнинг турли ҳудудларида туризм инфратузилмасини янада такомиллаштириши вазифалари ва йўллари белгилаб олиши муҳим аҳамиятга эга.

**Annotation.** The presence of a developed tourism infrastructure is important for increasing the tourism potential of Kashkadarya and developing tourism. Today, Kashkadarya is one of the richest regions of the country in terms of the potential of natural, historical and cultural resources, which serve as the basis for the development of almost all types of tourism. The article analyzes the problems of development of tourism infrastructure in Kashkadarya. Based on this, it is important to outline the tasks and ways to further improve the tourism infrastructure of various parts of the region.

**Аннотация.** Наличие развитой туристической инфраструктуры важно для увеличения туристического потенциала Кашкадарья и развития туризма. Сегодня Кашкадарья - один из богатейших регионов страны по потенциалу природных и историко-культурных ресурсов, которые служат базой для развития практически всех видов туризма. В статье анализируются проблемы развития туристической инфраструктуры в Кашкадарье. Исходя из этого, важно наметить задачи и пути дальнейшего совершенствования туристической инфраструктуры различных частей области.

**Калим сўзлар:** туристик инфратузилма, кемпинг, ётоқхона, умумий овқатланиш инфратузилмаси, гастрономик туризм, транспорт.

**Key words:** tourism infrastructure, camping, hostel, catering infrastructure, gastronomic tourism, transport.

**Ключевые слова:** туристская инфраструктура, кемпинг, хостел, инфраструктура общественного питания, гастрономический туризм, транспорт.

**Қириш.** Туризмни жадал ривожлантириш, унинг самарадорлигини ошириш, мамлакатимизда тинчлик-осойишталик, хавфсизлик, сиёсий ва иқтисодий барқарорлик ҳукм сураётгани, шунингдек, ҳозирги босқичда ушбу соҳага катта эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистонда бой туризм салоҳияти ва туризмни ривожлантириш учун барча имкониятлар мавжуд бўлиб, бунинг

самарасида мамлакатимизда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича турли чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда, жумладан Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 9 февралдаги ПФ-6165-сон Фармони ижросини таъминлаш, шунингдек, Қашқадарё вилоятининг туризм

Musayeva Z.M. <b>Maktabgacha ta'lim muassasalari tashkil etilishi va rivojlanish bosqichlari</b>	61
Закирова М.Ш. <b>Шаҳарсозлик ва ландшафт архитектурасида санитария- муҳофаза зонасининг ўрни ҳамда аҳамияти.</b>	65
Абдурахманов А.А., Рашидов С.У., Мамадаминов М.Ш., Исмоилов Ж.Х. <b>Атмосферага чиқарилган ифлослантирувчи моддаларнинг шаҳар худудига тарқалиши таҳлили</b>	68
Хидоятлов Т.А., Аллаяров К.О., Алимджанов Р.И., <b>Особенности природно-климатические условия зоны приаралья</b>	71
Бобоёрова Ш.Р. <b>Чор Бакр мажмуасининг ўзига хос жиҳатлари</b>	73
Nazarova D., Musayeva Z.M. <b>O'zbekistonning janubiy hudidida istiroxat bog'lari, sayilgoh va hiyobonlarda qo'llanadigan o'simliklar psixologiyasi</b>	78
Po'latov X.I., Adiliv Z.H. <b>SHahar dizayn kodiga oid muammolar va takliflar</b>	81
Игитов Ж.К., Комилжонов М.С. <b>Кўкаламзорлаштиришни режали ташкил этиш</b>	85
Меликулов Ғ.А. <b>Қашқадарё вилоятинг туристик потенциали ва туризмни ривожланиш усти- ворликлари</b>	89
Safiyev T.SH. <b>Konseptualmodellashirish orqali loyihalash</b>	96
Orifjonov I.U., J.O. Hasanov <b>Farg'ona shahri kanallari qirg'oqlarini takomillashtirish muammolarini o'rganish</b>	101
Safiyev T.SH., Qosimov S.R. <b>Joy reliefi va uning landshafti</b>	105
<b>ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА БУЮМЛАРИ</b>	
Ходжаев С.А., Ёқубов А.А. <b>Полистиролбетонинг энергия самарадор биноларда қўлланишини муаммолари</b>	108
Махмудов С.М., Амиров Ш.Р. <b>Анализ результаты теплозащиты эксплуатируемых жилых зданий из газобе- тонных блоков</b>	112
Наров Р.А., Юсупов Х.И., Ж. Рашидов <b>Влияние добавки на однородность бетонов</b>	118
Захидов М.М., Захидова Д.Б. <b>Натурное исследование эффективности применения местных теплоизо- ляционных материалов и систем солнечного отопления в сельских домах</b>	122
Сатторов З.М., Маматов В.Ш. <b>Ретардерларнинг кизилкум фосфорит ва фосфогипсга таъсири</b>	127
Шакиров Т.Т., Усмонова Д.А. <b>Қишки бетонлаш жараёнида бетон структурасидаги жараёнларни ўрганиш</b>	137
Hamrabaeva N.A., Meslimova P.S., Djuraev O.A., <b>New fire extinguishing powder compositions based on powder waste of production enterprises</b>	141

## «Архитектура, қурилиш ва дизайн» илмий-амалий журналида мақолалар чоп эттириш тартиблари ҳақида

*«Архитектура, қурилиш ва дизайн» илмий-амалий журналида 2006 йилдан бошлаб, учта тилда – ўзбек, рус ва инглиз тилларида мақолалар чоп этилади. Бир йилда 4 марта нашр этилади.*

*Журнал Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг архитектура, техника, иқтисодиёт фанлари бўйича докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.*

ОАК Раёсатининг 2020 йил 30 июлдаги 283/7.1-сон қарорига асосан «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисосликлари рўйхати»даги фан тармоқлари бўйича «Digital Commons» платформаси негизидаги «Uzbekistan Research Online» рақамли платформаси (<https://uzjournals.edu.uz/>) таркибига киритилган. «Архитектура, қурилиш ва дизайн» журналида етакчи хорижий олим-мутахассислар тақризидан ўтказилган инглиз тилидаги мақолалар, ОАК томонидан тавсия этилган хорижий илмий нашрларда чоп этилган илмий мақолага тенглаштирилади.

**Журнал мақсади:** талаба (бакалавр ва магистрант)лар, докторантлар ва тадқиқотчи олимларнинг, ОТМ профессор-ўқитувчилари, илмий салоҳиятини сайқаллаш, уларнинг диққатини республикаимиз миқёсидаги илмий информацион маконда кечаётган жараёнларга жалб этиш, соҳада илмий ишланмалар натижаларини намоён қилиш, илм-фанни ривожлантириш шунингдек архитектура, қурилишнинг турли соҳаларида олиб борилаётган долзарб илмий изланишлар натижаларини оммалаштиришдан иборат.

**Илмий мақолаларни қабул қилиш ва нашр эттириш:**

Мақолалар таҳририят электрон манзилига (E-mail: [acd.tiace@gmail.com](mailto:acd.tiace@gmail.com)) юбориш орқали қабул қилинади.

Мақолалар ўзбек, рус ва инглиз тилларида қабул қилинади.

Мақолалар журнал рукнларидан бирига мос бўлиши керак.

Таҳририят муаллифга мақоланинг нашр этилган нусхасини ҳамда электрон манзилига мақоланинг PDF вариантини тақдим этади.

**Қабул қилинган материалларни чоп этиш муддатлари:** журналнинг даврий характер касб этишини эътиборга олган ҳолда ўртача 3 ой давомида чоп этилади.

**Илмий мақоланинг тузилишига нисбатан илгари суриладиган талаблар:**

1. Мақоланинг тўлиқ номи;  
2. Мақола муаллиф(лар)и исми-шарифи; илмий даражаси, унвони, иш жойи (ташкilot) номи, лавозими ва электрон почта манзили (қисқартмалар ишлатилмасин!). Муаллифлар бир нечта бўлса уларнинг ҳар бири ҳақида тўлиқ маълумотлар берилиши шарт;

3. Материал матни тузилиши жиҳатидан кириш, асосий ва якуний қисмларга ажратилиши, ҳар бир бўлими учун сарлавҳалар берилиши керак:

- **УДК рақами**
- **Мақола мавзуси** – Title (ўзбек, рус ва инглиз тилларида)
- **Мақола муаллифи тўғрисида маълумот** - Author information (Муаллифнинг фамилияси исми-шарифи, иш жойи ва лавозими, илмий даражаси ва унвони. Ўзбек, инглиз ва тилларида).
- **Аннотация** – Abstract (ўзбек, инглиз ва рус тилларида) камида 6-10 сатр;
- **Калит сўзлар** - Keywords (ўзбек, инглиз ва рус тилларида) 6-8 та;
- **Кириш қисми** – Introduction;

- **Қўлланилган материаллар ва услублар** - Materials and methods ёки **Асосий қисм**;
- **Натижалар** – Results;
- **Хулоса / тавсиялар** - Conclusion / Recommendations;
- **Фойдаланилган адабиётлар** (манбалар) рўйхати – References.

4. Адабиётлар рўйхати кетма-кетликда рақамланиши керак;

5. Матнда тегишли манбага бериладиган иқтибослар тўртбурчак қавслар ичига олинishi керак, масалан - [1]. Автоматик тарзда иқтибосларни номерлашга рухсат этилмайди. Фойдаланилган адабиётлар рўйхатида сони камида 3 та, шулардан камида 3 таси хорижий адабиётлар бўлиши шарт;

6. Мақолада албатта мавзунинг долзарблиги, илмий аҳамияти, эришилган натижалари ва хулосалар ифодаланиши шарт;

7. Илмий мақолаларнинг ҳажми 4 бетдан кам бўлмаслики лозим;

8. Мақоланинг асосида матннинг камида 60-70% муаллифнинг шахсий изланишлари натижасига асосланиши лозим (топширилган мақолалар “Антиплагиат” тизими ёрдамида текширилади);

9. Мақоланинг матни, формула ва жадвалларни (MicrosoftWord) дастуридан фойдаланиб тайёрлаш керак. Матн параметрлари: 2 см дан стандарт ҳошиялар қолиши керак; шрифт Times New Roman, кегель – 12; сатрлар орасидаги интервал – 1 интервал; матнни кенглиги бўйича текислаш; абзац 1 см; саҳифани танлаш учун ориентация – китоб саҳифаси. Барча расмлар ва жадваллар номерланиши, номланиши шарт;

10. Муаллиф мақолада келтирилган маълумотларнинг тўғрилиги учун жавобгардир.

11. Ўзбек тилидаги **ў, з, қ, ҳ** каби ҳарфлар илмий мақола матнида гаплар таркибида тўлиқ ёзилиши шарт. Акс ҳолда илмий мақола таҳририят томонидан кўриб чиқилмайди.

12. Илмий, илмий-амалий мақолалар, аналитик хатлар, аналитик ва концептуал характердаги илмий ишланмалар, олиб борилган илмий тадқиқотларнинг умумлаштирилган натижаларини чоп этиш учун тўлов пул ўтказиш ёки кассага пул тўлаш йўли билан амалга оширилади.

13. Чоп этишга топшириладиган мақолага тегишли фан (соҳа) йўналиши бўйича етук мутахассислар, фан доктори / номзоди (профессор, доцент) лар расмий тақризи билан бирга қабул қилинади. Таҳририят мақолани айрим ҳолатларда кўшимча равишда экспертизадан ўтказиши мумкин.

14. Мақолалар 7 иш куни ичида таҳририят томонидан кўриб чиқилади ва муаллифнинг электрон почтаси (e-mail) га натижалар ҳақида хабар берилади. Хат ичида муаллифнинг Ф.И.Ш. ва телефон рақамлари келтирилиши лозим.

***Мурожаат учун:***

Телефонлар: (371) 234-11-37, моб: (+998) 97 762-55-44

Маъсул котиб: Адилов Зарифжон Химматович – acd.tiace@gmail.com

***Юридик манзилимиз:***

100001, Тошкент ш., А.Қодирий кўчаси, 7В-уй. Тошкент архитектура-қурилиш институти, Архитектура факультети.

НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ

# АРХИТЕКТУРА, СТРОИТЕЛЬСТВО И ДИЗАЙН

Основан в 2006 году  
Выходит, раз в три месяца

Журнал зарегистрирован в Управлении печати и информации г. Ташкента. Регистрационный № 02-0012

© Издательство ТАСИ, Ташкент, 2022 г.

Учредитель:  
Ташкентский архитектурно-строительный институт

Главный редактор:  
Эржан К

Ответственный секретарь:  
Адилов З.Х.

Website: [www.taqi.uz](http://www.taqi.uz)  
E-mail: [acd.tiace@gmail.com](mailto:acd.tiace@gmail.com)

ISSN 2010-7064

